

# Xabar

24  
(717)-son

16-iyun

www.xabar.cc.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Бу сонда:

## MUSTAQILLIK INSHOOTLARI

2 -бет

**ХАЙРЛИ  
ИШТИЁК**

5 -бет

**ТАНРИРИЯТГА МАКТУВ  
ЁРДАМИНГИЗГА  
МУҲТОЖМАН, ЯХШИЛАР!**

6 -бет

**ИКТ В  
ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УПРАВЛЕНИИ**

7 - 10 -бет

**Xabar-TV**

12 -бет

**КОМПЮТЕР  
САВОДХОНЛИГИ**

13 -бет

**ПУЛ ВАСВАСАСИ  
ҚУРЪОНИ**

(Детектив)

14 -бет

**«ДОКТОР-SERVIS»:  
ИНСОН САЛОМАТЛИГИ...**



Лутфилло ТУРСУНОВ олган сурат.

**«Perfectum Mobile»** компанияси биноси.



— сифат  
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

HAFTALIK  
XABARLAR

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 12 июн куни Оқсаройда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжани қабул қилди.**

Сўхбат чоғида Ўзбекистоннинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлиги истиқболлари, шунингдек, мазкур ташкилотнинг минтақа ва жаҳонда содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқадиган бугунги геосиёсий вазиятга мослашувига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида бўлди.**

Президентимиз Ислон Каримов 14 июн куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига, ШХТни янада ривожлантиришга, томонларни қизиқтирган минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалалар атрофида муҳокама қилинди.

15 июн куни эса Хитойнинг Шанхай шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг юбилей саммити бўлиб ўтди.

● **Матбуотда “2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

Фармонда республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш ва бошқа қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида аниқ топшириқлар берилган.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўхалик суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасидаги Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Хиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида”ги Қарорлари матбуотда эълон қилинди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон электр энергетика, нефт ва газни қайта ишлаш, қимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори матбуотда чоп этилди.**

● 10-12 июн кунлари Қарши шаҳрида II Республика Хотин-қизлар спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақаларда волейбол бўйича Тошкент шаҳри, стритболда Навоий вилояти, шашкада Фарғона вилояти вакиллари пешқадамлик қилган бўлса, енгил атлетикада — пойтахтимиз ва Фарғона вилояти, стол теннисда Тошкент ва Бухоро вилоятлари, сузш бўйича Тошкент шаҳри спортчилари муваффақият қозонди. Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — “Дамас” автомобиллари берилди.

● **Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларининг “Барҳаёт анъаналар” мавзусидаги фольклор санъати фестивал-танловини уюштирди.**

Танловда Тошкент давлат педагогика университети фольклор жамоаси ғолиб, деб топилди. Иккинчи ўрин — Гулистон ва Термиз университетлари ижодий гуруҳларига, учинчи ўрин эса Андижон, Самарқанд, Нукус давлат университетлари жамоаларига насиб этди.

Совриндорларга вазирликнинг мукофотлари топширилди.

## “MUSTAQILLIK — ENG OLIY NE”MAT!” TANLOVIGA

ИСТИҚЛОЛНИНГ ҲН БЕШ ЙИЛЛИК ТҮЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИЛАЁТГАН БИР ЧОҒДА МЕНГА “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ-ИНТЕРНЕЙШНЛ” ҚўШМА КОРХОНАСИНИНГ “ФАХРИЙ ЁРЛИГИ” ТОПШИРИЛДИ. БУ ТАҚДИРЛАШ ЗАМИРИДА МАЪНАВИЙ БОЙЛИК БОРЛИГИ ҒОЯТ АҲАМИЯТЛИДИР. КАМТАРИН ХИЗМАТЛАРИМ ИНОБАТГА ОЛИНИБДИМИ, ДЕМАК, КўПЛАБ КАСЕДОШЛАРИМ ҚАТОРИДАН ҲЗ ҲРНИМИ ТОПИБМАН. БУ — МЕН УЧУН ЭНГ КАТТА БАХТ!



## Хайрли иштиёқ

**Т**ермиз шаҳридаги Алишер Навоий номидаги мактабга қатнаб юрган кезларимда алоқа соҳасида ишлаш иштиёқи туғилган эди. Шу мақсадда ақин манзилдаги ўқув комбинати машғулларида ҳам иштирок эта бошладим. Кунларнинг бирида отам Абдирауф Арифбоев (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин): “Кун бўйи ўқиш сизга оғир бўлмаётми, қизим?” деб қолдилар. Мен эса сеvimли соҳам сирларини ўрганиб, эртанги кунга бир йўла тараддуд кўраётганимни билдирдим. У киши интилишларимни қўлаб-қуватлади.

Отам ризолиги мустақил ҳаётга қадам қўйганимдан кейин ҳам йўлиمنى ёруғ қилди. Шаҳар электралоқа боғламасига ҳеч қандай тўсиқларсиз ишга қабул қилиндим. Лекин бу соҳада меҳнат қилиш ўйлаганимчалик осон эмас экан. Иккинчи сменада ишлаган пайтларим мураббийларимдан маънавий мадад олиб турдим. Бунинг учун малакали мутахассис Муҳиддин ака Дурдыев каби устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Юртимизда мустақиллик шабадаси эса бошлагач, соҳамизда туб ислохотлар бошланиб кетди. Амалдаги аналогий тизим янгилаш даври талабларига жавоб бера олмай қолди. Натижада Термиз шаҳрида ҳам биринчи қатори тизимни рақамлаштириш бошланди. Албатта, бу ҳол кадрларни қайта тайёрлашни тақозо этди. Шавкат Мирсаидов сингари ҳамкасбларим Хорватиянинг Загреб шаҳрида ўқиб келишди. Ўз навбатида биз ҳам малака оширдик.

Хорижликлар билан ҳамкорлик туфайли мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишга шароит яратилди. Энг муҳими, улар дунёнинг истаглан манзилга хонадонлардан ҳам, ишхонадан ҳам тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлишди. Бу айтишгагина осон. Аслида, жаҳон айвонига алоқа “кўприги”ни қуриш биз — ходимлардан кўп куч ва маҳорат талаб этмоқда.

Сир эмас, биз — алоқачилар илгаригидек бир хил муҳитда белгилаб олинган режалар “соясиди” фаолият кўрсатётганимиз йўқ, балки рақобат майдони ҳар биримиздан тезкорлик ва юқори сифатни талаб қилиб турбди. Озгина ҳафсаласизликка берилсак, бас, албатта ютқазиб қўямиз.

Мижозимиз бошқа алоқа корхонаси билан шартнома тузди. Гап шундаки, ахборот асри талабларини кўнглимизнинг туб-тубига жойлаган ҳолатда иш олиб бораёلمиз. Харақатларимиз зое кетмаяпти. Ҳозир 18 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахс мақомидаги мижозларга хизмат кўрсатаямиз.

Агар ходим фақат иш билан машғул бўлиб, унинг қобиғида тургун бўлиб қолса, бир ёқлама яшай бошлайди. Мустақиллик бу ақиданинг мақсадга мувофиқ эмаслигини яққол кўрсатди. Маънавият ва маърифат хоналари эшигини ланг очиб қўйишни бизга ўргатди.

Яқин-яқингача жамоа шартномасидаги муҳим банд — филиалнинг маънавият ва маърифат хонасини жиҳозлаш масаласи бажарилмай келаётганиги йил якунларига бағишланган йилгилишда танқид қилинар эди. Нормурод ака Худоёров “Ўзи-Термиз” филиалига раҳбар бўлиб келгач, ҳақли эътирозга ўрин қолдирмади. Ҳозир бу маскан ҳақиқий маънода тафаккуримизни бойитиш марказига айлантирилган. Республика ва маҳаллий матбуот нашрлари таҳламлиларини варақлаб, кундалик ҳаёт янгиликларини билиб бориш билан бирга, баъдий, сиёсий адабиётларни, Ўзбекистон миллий энциклопедияси жилдларини ўқиб, фикрлаш доирамизни кенгайтиряёلمиз.

Қолаверса, ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар жамоа аъзоларининг ҳамиша хушёр ва огоҳ яшаётганини, орамизда истеъдод соҳиблари кўпчилиги ёрқин намоён этмоқда. Далил сифатида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига ҳамда аънавий касб байрамига бағишланган кўнгилочар тадбиримизни келтириб ўтай. Бу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад — ходимларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, спортнинг оммавийлигига эришиш ва иш самарадорлигини таъминлашдан иборат. Алоқачилар кўрик-танловда бешта жамоа турли шартлар бўйича баҳслашди. Улар биринчи тиббий ёрдам, спорт бўйича маҳоратларини кўрсатишда бир-бирларидан қўлишмасликка ҳаракат қилишди. Айниқса, кабел пайвандловчи Илҳомжон Болтаев арқон тортиш ва тош кўтариш баҳсларида бўш келмади. Гулчехра Абдуллаева, Дилбар Чориева, Қирмиз Урокова, Сайёра Бадалбоеваларнинг сўз санъати бобидида маҳоратла-

ри кўпчилигининг эътиборини тортди.

Кўрик-танловда “Алоқачилар” гуруҳи ғолиб чиқиб, филиалнинг 100 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлди. Энди Мустақиллик байрамининг 15 йиллигига бағишлаб “Камалак” кўрик-танловини ўтказишни режалаштиряёلمиз.

Жалолитдин Румий бобомиз: “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”, деганлар. Чиндан ҳам дунёни, умрнинг ҳар бир лаҳзасини кўнгил билан илғаб яшасак, оилада ҳам, жамоада ҳам кўтаринки кайфиятда юрамиз. Бунинг мен ўз ҳаётим тисмолида исботлашим мумкин.

Илоҳида олти қизнинг бири бўлиб воёга етдим. Опаларим — Тамара, Феруза, Озода, Мавлуда ва синглим Нодира билан биз учун улуг зот — орамиз Хадича Арифбоева атрофида жам бўлганимизда тинч-тотув кечаётган турмушимиздан суюна-суюна сўйлаймиз. Шунда онам “Сизлардек оқил-қизларим, кўвларимдек ақлли ўғлонларим борлиги билан фахрланаман”, деб қўяди.

Дарҳақиқат, биз — опа-сингиллар мустақил ватанимиз иқболига қўлимиздан келганча хизмат қилаямиз. Юз бераётган туб ўзгаришларни, юртимиз тобора гуллаб-яшнаб бораётганини кўзга айлган кўнгил билан сезиб турибмиз. Шахсан мен турмуш ўртоғим Равшан Саидов билан икки ўғил ва қизимизни миллий истиқлол руҳида тарбиялаб воёга етказганман. Қизим Наргиза мусика мактабига боради. Ғойибжон ва Дилмуроджонлар эса спортнинг қўл жанги тури билан шуғулланади. Ғойибжон яқинда Россияда ўтказилган ҳамдўстлик мамлакатлари биринчилиги мусобақасида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб қайтди.

... Бобо Кўёш яна Боботоп ортидан кўтарилиб, чексиз само узра сафарга чиқди. Ушомга қадар заррин нуллари билан эл-юрт ризқига барака беради. Кун мобайнида яратиш ва яшаришдек бекиёк ҳамда хайри иштиёқ билан эзгулик кемасида йўлга чиққан юртдошларимиз ҳаёт дарёсида сузишадди. Улар сафида борлигима минг-минг шукр қиламан.

Нигора АРИФБОЕВА  
“Ўзи-Термиз” филиалининг  
катта электромеханиги

YOZ — O'TMOQDA SOZ!

**"Бухоро Телеком" филиалига қарашли "Ёш алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар йили алоқа ходимларининг кўплаб фарзандлари мириқиб ҳордиқ чикарадилар. Яқинда бу ерда жорий йил дам олиш мавсумининг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.**

Тантананада сўзга чиққан филиал директори Шариф Худойбердиев, оромгоҳ бошлиғи Муҳаббат Асророва, оналардан Мадина Холбоева ва бошқалар кичкинтойларнинг ёғи таътилни кўнглида-гиде ўтказишлари учун бу ерда барча шароитлар яратилганлигини, оромгоҳ Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси томонидан жуда яхши таъмирдан чиқарилганлигини таъкидладилар. Чиндан ҳам, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларининг бу маскан бағрида ёз фаслининг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш учун барча имкониятлар яратилган. Соя-салқин дов-дараклар кўйнидаги турли ўйингоҳлар, аргимчоқ, чархпалаклар, спорт майдончалари, сув ҳавзаси болалар ихтиёрида. Турли тўғараклардаги машғулотлар, жисмоний тарбия машқлари ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишишларида муҳим ўрин тутаяди, албатта.

Малакали шифокор Насиба Тошева болалар соғлигини давомлатиш хабардор. Бухородаги 17, 23, 26-умумтаълим мактаблари, шунингдек, санъат коллежи педагогларидан бир гуруҳи тарбиячилар ва ётақчилар сифатида ҳамisha болалар даврасида. "Кичкинтой", "Камалак", "Орзу", "Камолот" деб ном-

# "Ёш алоқачи" бағрида



ланган гуруҳлардаги болалар иштирокида биринчи мавсум давомида "Ситораи Мохи Хосса", Бухоро ўлкашунослик музей-кўриқхонаси сингари тарихий жойларга саёхатлар ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, болалар Бухоро давлат кўғирчоқ театрининг янги спектакллари кўриш имконига ҳам эга бўладилар. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ви-

лоят ва шаҳар бўлимлари томонидан бутун мавсум давомида оромгоҳ бўйича ташкил этиладиган бири-биридан кизикarli тadbирлар барчага манзур бўлиши турган гап.

Тантана иштирокчилари диққат-эътиборини оромгоҳда кўзга аниқ ташлабни турган куйидаги шиор жалб этди:

қил юрт, бахтли болалик таннум этилган куй-қўшқилар ва дилбар шеърлардан кўнгишлар бахраманд бўлди. Оқшом борлиқ узра ўз қанотини ёя бошлаганида оромгоҳ майдонида орақиқиб кутилган мўъжиза гулхан порлади. Ўз эли ва урти учун ёниб яшовчилар сафи ана

шундай хаяжонли дамларда янада кўпайса, навқирон ва жажжи қалблардаги ёруғ орзу-умидлар эса юрт осойишталиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги билан муштарак ҳолда ана шу гулхан каби порлаб, янги яратувчилик меҳнатларига улашиб кетса, не ажаб?!

**Асқар ИСТАМОВ**  
Бухоро вилояти

KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

## Рағбат бор жойда барака ва манфаатдорлик бўлади

**Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси алоқа корхоналари раҳбарияти билан ҳамкорликда ишчи-ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор ишларни амалга оширди.**

Жумладан, ходимлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида мини-футбол, «Энг яхши спортчи ва соғлом оила» мусобақалари ўтказилди. Ўтган йили алоқачиларнинг жами 310 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда дам олди. 27 нафар ходим санаторийда даволанди. Бундан ташқари, «Алоқачи» санаторий-профилакторийсида 358 нафар ходим ўз соғлигини мустаҳкамлаб қайтди. Уюшмамиз томонидан спорт-соғломлаштириш тadbирларига 12 миллион 600 минг сўмдан зиёд, маданий тadbирларга салкам 4 миллион 300 минг сўм, болаларни соғломлаштириш учун «Фаргона Телеком» филиали томонидан 3 миллион 500 минг, ходимларни соғломлаштириш учун эса 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳар бир байрамда faxрийларни йўқлаб, ҳолидан хабар олиб турибмиз. Уларнинг сihatгоҳу шифохоналарда даволанишлари учун йўланмалар, дори-дармон олишлариغا маблағлар ажратилди. Ҳар йили бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунга алоқачилар касб байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан берилган моддий ёрдамлар ҳам мисол бўла олади. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — Жўрабой Қурбонов, Маъмур Тўйчиев, Нина Рудина, Содик Мамаюсов, Маматқул Маҳамов, Ўрмон Раҳмонов, Аб-

дулатто Худойбердиевларга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Ходимларнинг малака ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси кўмиталари раислари ва фаолларининг ўқув семинарлари ўтказилди.

«Ўзбектелеком» АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасидаги 2006 йил учун тариф келишувидан ходимларга имтиёзлар бериш борасида катта ўзгаришлар киритилган. Жумладан, 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг амалга киритилиши муносабати билан пенсия олди ёшдаги ходимларнинг (аёллар 53, эркеклар 58 ёшга тўлган ойдан бошлаб, аёллар 55, эркеклар 60 ёшга тўлган ойга қадар) шахсий жамғарма пенсия ҳисобварағига ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиллаган миқдорнинг 2 баробари миқдорига пул ўтказиб борилмоқда.

Ходимларга ёзги ўта иссиқ шароитларда, қиш қаҳратонларида ишлаганлиги учун ойликларига 20 фоиздан, иш стажига кўпайиб боргани сайин 30 фоиздан кўшиб берилмоқда. Умуман олганда, соҳада узоқ йиллардан бўён меҳнат қилиб келаётган 1582 нафар ходимга узлуксиз

иш стажига учун 75 млн. 198 минг сўм кўшимча ҳақ берилди. Нафақа ёшига етиши ва юбилейлари муносабати билан 109 нафар ходим 4 млн. 307 минг сўм миқдорига рағбатлантирилди. Иш якунлари бўйича 254 нафар ходимга 10 млн. 665 минг сўм мукофот берилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фаргона филиалида ҳам ўтган йилги даромад режалари ортиги билан уудаланди. Шунга биноан манфаатдорлик ҳам ошиб бормоқда. 87 нафар ходимга 6 миллион 300 минг сўм ёрдам пуллари, биринчи марта никоҳдан ўтган 21 нафар ходимга 1 миллион 206 минг сўм моддий ёрдам пули берилди. 1534 нафар ходимга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотиб олишлари учун пул ажратилди. Шунингдек, 263 нафар ходимнинг уй телефонлари учун бир йиллик абонент тўловлари тўлиқ миқдорда тўланди, 31 нафар ходимнинг юбилей саналарини нишонлаш учун 1 млн. 76 минг сўм миқдорига маблағ сарфланди.

Яқинда ходимларга қўлайлик яратиш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан берилган 60 донна велосипед филиал тасарруфидоги почта алоқа тармоқларининг хабарчиларига топширилди.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмамиз Ҳомийлар ва шифокорлар йиллида соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш борасида барча эзгу ишларни амалга оширишга сидқидилдан киришган.

**Аҳмаджон УСМОНОВ,**  
Фаргона вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси

KIBERSPORT

## Қаршида ҳам кучлилар сараланди

**Газетамизнинг ўтган сонларида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати саралаш ўйинлари ўтказилаётгани ҳақида маълумот берган эдик. Навбатдаги саралаш баҳслари Қарши шаҳрида ўтказилди.**

Турнир Қаршида илк бор ташкил этилганига қарамай, унда 342 геймер иштирок этди. Бу мамлакатимизда киберспортнинг жадал ривожланаётганидан дарак беради. Мусобақада Қарши, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлардан келган иштирокчилар голиблик учун курашдилар.




Мусобақада биринчи бўлиб WarCraft@III:Frozen Throne ўйини бўйича голиб аниқланди. Унда термизлик Фурқат Юсупов барча рақибларидан устуңлигини намойиш қилиб, миллий финал йўланмасини кўлга киритди.



StarCraft@: Brood War™ ўйинида Қарши шаҳри вакили Дамир Азизова тенг келадигани топилмади.



Турнирда Half-Life™: Counter-Strike 1.6 ўйини бўйича 12 жамоа баҳс олиб борди. Шиддатли курашлардан сўнг, таркибиде Темуру Мўминов (prizrak), Акрам Носиров (druid), Станислав Смитюх (lastexile), Жамшид Хайруллаев (simus), Баҳром Воҳидов (serjio)ларни жамлаган S5 жамоаси турнир голиби бўлди.



Бухоро ва Самарқанддан фарқли ўлароқ, Қаршида энг кенг тарқалган ўйин — Need for Speed: Most Wanted бўлди. Турнирда ушбу ўйин бўйича 167 геймер рўйхатдан ўтди. Қизгин ўтган баҳсларда қаршилик Артур Чихаев энг яхши натижа кўрсатиб, миллий финал йўланмасига эга бўлди.

Кейинги саралаш турнири 17-18 июн кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз

## DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

## ЗАРКАВИЙ ЭНДИ ЙЎҚ

**“Ал-Қоида” халқаро террорчилик ташкилотининг Ироқдаги тармоғи раҳбари Абу Мусоб ал-Заркавий Америка ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Бакуй шахрида ўтказилган махсус амалиёт натижасида ҳалок бўлди.**

Хабарларга кўра, Заркавий ва унинг етти нафар ёрдамчиси махсус ертўлада йиғин ўтказган пайтда бомба ҳужумларига учраб, ҳалок бўлган. Унинг жасади бармоқ излари ва ДНК таҳлили орқали аниқланган. Америка ҳарбийларининг фикрича, унинг ўлимини Иордания разведка хизмати ҳам тасдиқлаган. АҚШ ҳукумати уни ўлдирган шахсга 25 миллион доллар ваъда қилган эди. Хозирча ушбу маблағ кимга тегиши номаълум.

Мамлакат бош вазири Нури ал-Маликий бу воқеани Ироқда терроризмга қарши олиб борилаётган курашнинг катта ютуғи, дея баҳолаган. Аммо, баъзи манбаларда Заркавийнинг ўлдирилиши мамлакатда террорчилик ҳаракатларини янада авж олдириб юбориши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Ал-Заркавий 1966 йили Иорданияда туғилган. У дастлабки террорчилик фаолиятини 1980 йилда Афғонистонда бошлаган. Ироқда Саддам Хусайн ҳокими-



яти ағдарилгач, ушбу мамлакат террорчилари раҳнамосига айланган. У Иордания ҳукумати томонидан бир неча бор сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Ироқ пойтахти Бағдод шахрида хавфсизлик чоралари янада кучайтирилди.

“Би-Би-Си” хабарларига кўра, шахар кўчаларини назорат қилиш учун Ироқ ва АҚШнинг кўрж мингдан ортиқ ҳарбийлари жалб этилди. Мамлакат раҳбарияти “Ал-Қоида”нинг Ироқдаги тармоғи ўз етакчиси Абу Мусоб ал-Заркавий йўқ қилинган, янги террорчилик ҳужумлари тайёрламоқда, деган хавотирда.

## ҲАМАС ЖАНГАРИЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

**ҲАМАСнинг “Изеддин ал-Қассам” ҳарбийлашган қаноти Исроил-Фаластин можароларини тинч йўл билан ҳал этилмаслигини эълон қилди.**

Исроилга нисбатан ушбу хавотирли баёнотдан ҳеч қанча вақт ўтмай ҲАМАС жангарилари Исроил ҳудуди томон “Қассам” ракеталарини учира бошлаган. “Изеддин ал-Қассам” расмийлари бунга Ҳазо секторида юз берган қонли воқеага жавоб эканлигини таъкидлашмоқда. Гап шундаки, ўтган ҳафтада Исроил ҳарбийлари томонидан Ҳазода олиб борилган жангариларни йўқ қилиш амалиёти вақтида етти нафар фаластинлик тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган эди.

Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос келгусида



давлат қурилишининг қандай бўлиши юзасидан референдум ўтказиш кунини белгиледи. «Reuters» ахборот агентлигининг


Махмуд Аббос маъмуриятдан олган маълумотга таяниб тарқатган хабариде айтилишича, жорий йил 31 июл кунини умумхалқ тадбири ўтказилади. Унда асосан Исроилни тан олиш масаласи қўйилади. Хабарингиз бор, айни пайтда ҲАМАС гуруҳи томонидан шакллантирилган Фаластин ҳукумати Исроил давлатини тан олмайпти.

Бундан ташқари, Махмуд Аббоснинг 1967 йилги Фаластиннинг давлат чегараларини тиклаш ҳамда Шарқий Қуддусни пойтахт қилиш режаси ҳам умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бироқ, ҲАМАС гуруҳи референдум ўтказишга қаршилиқ билдирапти.

## БЕЛОРУС ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИДА СОБИТ

**Белорус Президенти Александр Лукашенко мамлакатни ҳеч қачон Россия Федерацияси таркибига кирмаслигини ва у ўзини ўзи бошқаришга қодир мамлакат эканлигини таъкидлади.**

Шунингдек, Лукашенко газ масаласи юзасидан расмий Москва билан юзага келган турлича қарашлар бўйича ҳам баёнот берди. Унинг сўзларига қараганда, “Белтрансгаз” Россияга баланс қийматида сотилмайди. Бундан ташқари, у ягона валюта масаласига тўхталиб, “Икки мамлакат ҳудудиде ягона валютани муомалага киритиш тақлифи референдум орқали кўриб чиқилиши керак”, дея ўз нуктаи назарини билдирди.



## ЎГИНГАРЧИЛИК КЕЛТИРГАН ТАШВИШ

**“Синхуа” ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Хитойда кечган бу йилги ёмғир мавсуми юздан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлди. Ҳукумат вакилининг билдиришича, қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин.**



Икки ҳафта давомида тўхтовсиз ёққан ёмғирдан мамлакатнинг жанубий ҳудудлари жиддий зарар кўрган. Хабарларга кўра, 12 миллионга яқин одам сув тошқини ва ер кўчкилари ҳудудиде яшамокда. Хавфли жойлардан 550 мингдан зиёд аҳоли эвакуация қилинган. Табиий офат етказган моддий зарар 7,6 миллиард юан (бир миллиард доллар)га етган.

Мутахассислар бундай ёмғирчилик Хитойда охириги 20 йил ичида кузатилмаганлигини, биргина Фужан вилоятида ярим суткада ёққан ёмғир миқдори ҳудуднинг охириги беш йилликдаги ёмғирчилик меъеридан ошиб кетганлигини айтишмоқда.

## НОРОЗИЛИК ОРТИБ БОРМОҚДА

**Сўровномалар таҳлилларига қараганда, жаҳонда АҚШга бўлган муносабат тобора ўзгариб бормоқда.**

Ҳатто АҚШнинг иттифоқчилари бўлган мамлакатларнинг аҳолиси ҳам Ироқдаги урушдан норози. Ўтказилган сўровлар иштирокчиларининг салмоқли қисми Қўшма Штатларнинг ҳаракатлари дунёни янада хатарли қилиб қўймоқда, деб ҳисобласа, яна кўпчилиги Президент Жорж Бушга қараганда оддий америкаликларга нисбатан яхшироқ муносабатда эканликларини билдиришган.

## ЕТАКЧИ ОЗОДЛИККА ЧИҚДИ

**“Рейтер” ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Индонезиядаги “Жамоа Исломия” ташкилоти раҳбари Абу Бакр Башир қамоқдан чиқарилди.**

Башир 2002 йили Бали оролида юз берган ва 200дан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлган террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда айбланиб, 26 ойга озодликдан маҳрум этилган эди. Аслида, у тергов даврида ҳам ҳибсда сақлангани учун жамаи тўрт йил қамоқда ўтирди. Хабарда айтилишича, 67 ёшли Баширни бир неча юзлаб тарафдорлари кутиб олган.

## РОССИЯ-ГРУЗИЯ: АЛОҚАЛАР ЯХШИЛАНАДИМИ?

**Россиянинг Санкт-Петербург шахрида бўлиб ўтган Иқтисодий форум давомида Россия Президенти Владимир Путин Грузия Президенти Михаил Саакашвили билан учрашди.**


Музокаралардан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Россия раҳбари кейинги пайтларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар бироз ёмонлашганини таъкидлади. “Россия-Грузия муносабатларида бизни ташвишлантирадиган бир қатор муаммолар юзага келди, — деди Грузия Президенти ҳам ўз навбатида. — Бу муаммолар қаторига мустақиллик учун ҳаракат бошлаган Абхазия ва Жанубий Осетия масаласи, грузин виносини



РФ ҳудудига олиб кирилишининг таққиланиши кабиларни киритиш мумкин”.

## АССАМБЛЕЯНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

**Баҳрайнлик адвокат ва ушбу мамлакатнинг Франциядаги собиқ элчиси 53 ёшли Хайа Рашид ал-Халифа хоним БМТ Бош Ассамблеясининг раҳбари этиб сайланди.**



Унинг номзодини Осиё давлатлари блоки қўллаб-қувватлаган. Энди у жорий йилнинг 12 сентябрида бошланган Бош Ассамблеянинг 61-сессиясига раҳбарлик қилади.

Унинг Ассамблеяга қилган мурожаатида қайд этилишича, терроризмга қарши курашишда аниқ мажмуавий стратегик дастурларни амалга ошириш лозим.

## VILOYATLARDAN DARAKLAR

ТОҒ ЭТАГИДА  
ТАЪТИЛ КУНЛАРИ

Олтинсой ва Денов туманларидаги "Вахшвор" ҳамда "Тошпўлатбой" хусусий оромгоҳлари вилоят алоқа ходимлари фарзандларини ўз бағрига олди.

Юз нафардан зиёд турли ёшдаги болалар ёзги таътилни кутаринки қайфият билан бошлашди.

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг шу йил май ойида бўлиб ўтган кенгайтирилган Хайъат йиғилишида билдирилган танқидий мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқардик, — дейди биз билан суҳбатда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ашурали Даминов. — Бу йилги мавсумда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш кўрсаткичларини икки хисса кўпайтирамиз.

Дарҳақиқат, тоғ этагидаги сўлим оромгоҳларда ёзги таътил кунларини бошлаган болалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ошган бўлиб, улар ҳозир турли тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

"ЎЗИ-ТЕРМИЗ" ДА  
ТИББИЙ КЎРИК

Термиз шаҳар катталар поликлиникасининг маалакали мутахассислари филиал аъзолари саломатлигини яна бир бор кўриқдан ўтказишди.

Икки кун мобайнида замонавий тиббий техникалар ёрдамида ташхис қўйиш амаллари бажарилди. Баъзи ходимларда касалликнинг бошланғич даври аниқланиб, уни тезроқ бартараф этиш юзасидан фойдали маслаҳатлар берилди. Филиалнинг катта ҳамшираси Халима Очилдиева зиммасига тиббий муолажаларни ўтказиш юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, филиалдаги тиббий кўрик Хомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури доирасида, шартнома асосида кенг йўлга қўйилди.

ЛИНИЯ ХЎЖАЛИГИ  
ЯНГИЛАНДИ

Абдулла Набиев номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги абонентлар учун муҳим қулайлик яратилди.

Музработ телекоммуникациялар боғламаси ходимларининг сазой ҳаракатлари билан "Радон-15" русумли ускуна ўрнатилган, телефон хизмати кўрсатиш ишлари тубдан яхшиланди. Линия хўжалиги янгиланганидан айнакча қўшол мулкдорлари жуда мамнун. Улар алоқа боғламасидан фойдаланиб, ҳамкорлари билан ўз вақтида мулоқотда бўлиб туришибди. Бу эса кундалик иш ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Музработда йил охирига қадар бундай имкониятлар қўламини яна кенгайтириш лойиҳасини кучга киритишга пухта тараддуи кўришмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ  
Сурхондарё вилояти

## ТАХРИРИЯТГА МАКТУБ

Ассалому алайкум, ҳурматли тахририят ходимлари! Мен — бир муштипар қизингиз сизларга илинж билан мактуб йўлламоқдаман. Зора, уни ўқиб, хулоса чиқарасизлар ва бирор амалий ёрдам берасизлар, деган умиддаман.

Ёшим йигирма бешда, 2-гурӯх ногирониман.

Болаликнинг бахтли онлари мени эрта тарк этди. Сабаби — ўн уч ёшимда ҳаётнинг шафқатсиз зарбасига учирадим. Автоҳалокат оқибатида бир оёғимни тиззадан кесиб ташлашди. Аммо тушкунликка тушмадим, яшаш учун курашдим. Хар бир инсон ҳаёт синовиға — хоҳ у ачиқ бўлсин, хоҳ ширин — сабр қилиб яшаши керак экан. Аллоҳга шукр, нолайман, бир оёғим йўқ бўлса-да, ақлим жойида, олий маълумотлиман. Дастлаб ҳуқуқшунослик коллежини тамомладим. Бу йил эса Ўзбекистон Миллий университетини битирдим. Ўқийшим мобайнида Республи-

лантиринг, мен розиман, фақат мени ҳам ташлаб қўймасалар, бўлди", дердим. Бироқ барча ҳаракатларим бефойда кетди. «Тенг — тенги билан...», деган мақолга амал қилганим, ўзимнинг аҳолимга қарамай, севгини устун қўйганим, ишонувчанлигим менга жуда қимматга тушди.

Тақдирнинг иккинчи бу зарбасига чидамасам керак, деб ўйлагандим. Аммо вақтлар ўтгач, инсон ҳамма нарсага кўникар экан. 2002 йил ўғлим туғилди. Болага овуңдим, ўғлимдаги ҳаётим унутилди. Аллоҳга шукрки, ширингина, жажжигина фарзандим бор. Лекин барибир яхши кунлар мендан юз ўғираверди. Ажрашганимдан кейин фарзандим билан ижара уйда турдим. Ўғлим олти ойлик бўлганда коллежга ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. Кекса онам боламга қарар эди. Ишдан бўш пайтларим сомса пишириб бозорда сотардим, хуллас, шу орқали ижара пулимни топар эдим. Хатто,

ган эканман: бир куни онам касал бўлиб қолди ва мени ёнига чақирди. «Қизим, ўтир, мен ҳам кексайиб қолдим, сенга бир ҳақиқатни айтишим керак: Мана, ўғлингни катта қилиб бердим, мени тўғри тушун... Мен сени чақалоқлигингда асраб олганман», дедилар. Бу зарба мени тамом гангитиб қўйди. «Ҳеч унақа эмас, сиз менинг ҳақиқий онамсиз!» деб йиғладим. «Аччиқ бўлса ҳам, бу ҳақиқат, — деди онам, — ўзинг кўриб турибсан, сенга ҳеч кимдан фойда йўқ. Акаларинг ўз кунларини ўзлари зўрга кўришяпти. Энди сен ҳам ўз кунингни ўзинг кўр». Йиғладим, ичимдаги дардим фақат Худога аён. Барибир, мен Онажонимни жуда яхши кўраман. Онамга ухшаган АЁЛ дунёда жуда ҳам кам. Чунки, ёшлигимдан кўзимга термулиб яшаган, ўқитган, ҳаётга қўшган шу меҳрибон, мушфқ ОНАЖОНИМ. Отам эса биз ёшлик пайтимизда дунёдан ўтиб кетган.

## Ёрдамнингизга муҳтожман, яхшилар!

ка «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Дилдор опа Алимбекова, «Ёшлар телеканали» директори ўринбосари Дилшод ака Исроилов ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ректори Равшан ака Ашурв сингари саховатпеша инсонлар мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришди. Уларга ўз миннатдорчилигини билдираман, улар менга бирни беришди, Худо уларга мингини берсин!

Ким бўлишдан қатъи назар, ҳар бир қиз ҳаётда ўз ўрнини топиши, кимгадир суюкли ёр бўлишни истайди. Университетда қиб юрганымда бир йигит менга дил изҳор қилди, аммо мен сира рўйхушлик бермадим. Сабаби — унинг тўрт мучаси соғ эди (кейин билсам, бу ҳам ҳаётнинг бир синови экан). Хато қилиб қўйишдан қўрқдим, лекин у ортимдан қолмади. Шу тарзда икки йил ўтди. Ниҳоят, бир куни у "Бир оёғингиз йўқ экан, иккаласи йўқ бўлса ҳам фақат сизга уйланаман. Сиз мен сева олган ягона қизсиз. Сизни ҳеч қачон ташлаб кетмайман", дея тиз қўқиб йиғлади. Йигит кишининг йиғлаганини биринчи кўришим өди, жуда таъсир қилди. Шундан сўнг менинг қалбимда ҳам унга нисбатан муҳаббат пайдо бўла бошлади...

Ниҳоят, биз турмуш қурмоқчи бўлдик. Аммо мени кўрган унинг ота-онаси, умуман барча ақиллари тўйимизга қарши бўлишди. Турмуш ўртоғим эса ўз сўзида туриб олди. Қаршиликлару таъна-дашномлар билан 2001 йили тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Лекин тўй мен орзу қилгандай бўлмади — қайнота-қайнонамнинг уйда эмас, Тошкентда тор доирада ўтказдик. Афсуски, турмушимиз узокқа чўзилмади. Турмуш ўртоғимнинг оиласидагилар мени келин сифатида қабул қилишни исташмади. Хар хил гап-сўзлар, таъналар аста-секин унга ҳам таъсир қила бошлади. Уч ой бирга яшаганимиздан кейин қайнотамнинг қистовлари билан ажрашиб кетдик. Шу вақт ичида калтак емаган куним бўлмади, лекин турмушим бузилмасин деб барига чидадим. Менга "Чўлок" деб мурожаат қилишарди. "Эй, майли, чўлокман-да, шунга ҳам сиқиламанми?" деб ўзимни овуғардим. Хатто, қайнотамга "Майли, мендан кўнглингни тўлмасе, ўғлингизни бошқа қизга уй-

ҳомилдорлик давримда шунақа кунлар бўлганки, қотган нонга зор бўлганман, ҳафталаб қуруқ сув ичиб, кун кўрдим. Ҳеч кимга битта нон сўраб бормадим ёки йўқчиликдан ёмон йўлга кирмадим. Худодан фақат сабр сўраб, кунларимни ўтказдим.

Коллежда икки ярим йил ишладим. Директоримиз жуда яхши одам эди, лекин у ерда кафедра мудирам (аёл киши) директор ўринбосари билан тил бириктириб, менга тухмат қилишди. Ариза ёзиб, ишдан бўшашга мажбур бўлдим. Яна оғир кунларим бошланди. Пулсизликдан қийналдим, бозор яқин бўлганлиги учун овқат қилиб, чой дамлаб сотдим.

Шаҳар айлангани чиқсам, ўғлим — у оберинг, бу оберинг, деб йиғлайди. Чидай олмай, унга қўшилиб йиғлайман. Бир амаллаб кунимизни кўриб яшадик. Бу орада ижара уйим сотилиб кетди, бошқа уйга кўчдик. У ерда уч ой яшамасдан қизнинг қировли куниде яна бошқа ижара уй топиб кўчдик (чунки у уй ҳам сотилиб кетди). У ёқдан-бу ёққа кўча-верганимиздан ўғлим касал бўлиб реанимацияга тушиб қолди. Топганимни фарзандимга сарфладим, қарзларим бошимдан ошиб кетди. Ўғлимни ўлим тўшагидан қайтариб олдим. Шу фарзандим учун ҳаётнинг барча синовларига чидадим. Аммо ҳаётнинг менга атаб қўйган яна бир зарбаси борлигини ўйлаб ҳам кўрма-

Хуллас, ижара уйимга талабалар қўйдим, чунки ижара пулини тўлаш (ойига етмиш минг сўм) бир ўзимга оғирлик қилди. Ўзим коллежга соатбай ишга кирдим. Ойлигим 28 минг сўм, ишга кирганимга тўрт ой бўлди. Ишим ҳам шартнома асосида — йоннинг охирида тугайди, бу дегани — яна ишсиз қоламан. Доимий яшаш жойим бўлмаганлиги сабабли ҳам вақтинчалик рўйхат-даман, вақтинчалик рўйхат билан ишга кириш жуда қийин экан. Уй-жой масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилганам жойим қолмади. Афсуски, бирор жойдан амалий ёрдам бўлмапти.

Тахририят ходимлари, ҳаётда яқкаю ягона фарзанди келажаги учун интилиб яшаётган, мендай бир кўмакка муҳтож аёлга ёрдам қўлини чўзадиган меҳридарё инсонлар наҳотки топилмасе? Сизлардан илтимос, ушбу Хомийлар ва шифокорлар йилида менга моддий тарафлама ёрдам бера оладиган савобталаб инсонларни, хомий ташкилотларни топишимга кўмак берсангизлар! Зора ўзимни тиклаб олсам. Ахир, "Олтин олма — дуо ол", дейишган-ку. Менинг дард ва армонларимни тинглаганинглр учун олдиндан сизларга катта раҳмат!

Ҳеч бир инсон Аллоҳ назаридан қолмасин. Ишларингизга ривож тилаб, ногирон синглингниз Мунисхон.

**ТАХРИРИЯТДАН:** Азиз юртдошлар! Мана, бир ногирон аёлининг қалб тугёнлари билан танишдингиз. Узингизча хулоса ҳам чиқаргандирсиз. Балки қалбингизнинг туб-тубидан бу аёлга ачингандирсиз, балки уни фарзанди билан аро йўлда ташлаб кетган турмуш ўртоғини лаънатлагандирсиз, эҳтимол аёлининг ўзига қандайдир айбловлар қўйгандирсиз... Нима бўлганда ҳам гишт қолгидан қўчган — кимнидир қоралаш, кимнидир оқлаш мавриди эмас. Мухими, сизу биз билан бир жаҳиятда яшаётган синглимиз, қўзимиз биздан кўмак кутяпти. Унинг илинжини (балки бу сўнгтисидир) ноумид қўймайлик. Зеро, Ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганларидек,

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Тахририят эса бу аёлга амалий ёрдам бериш мақсадида АБДУЖАББАРОВА МУНИСХОН АБСАЛИЕВНА номига РА "АЛОҚАБАНК" (00401)да 2020600099900973001 ҳисоб ҳақамини очди ҳамда маълум миқдорда маблағ ўтказди. Ўйлаймизки, барча саховатпеша ва мурувватли инсонлар, ташкилот ва корхоналар ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолмайди ва баҳоли қудрат унга ёрдам қўлини чўзади.

# Новости в сфере ИКТ

**Последние изменения в жизни общества сопровождаются бурным ростом информационных и коммуникационных технологий, превращением их в доминирующее орудие труда и новое средство коммуникации в нарождающейся информационной эре.**

## ИКТ В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ

На сегодняшний день сфера услуг занимает лидирующую позицию в экономике, наука становится реальной производительной силой, а теоретические знания служат источником нововведений и формирования политики. Главным капиталом и источником власти становится информация. Одним из главных достижений информационного общества являются коренные изменения в общественной жизни: взаимодействие бизнеса, граждан и государственных органов становится прозрачнее; уменьшается коррупция; операции по обмену информацией оптимизируются настолько, что происходит не просто экономия ресурсов и времени, а изменение даже принципов и традиций государственного управления.

Предназначение государства состоит в служении своим гражданам, в то же время оно должно и управлять страной. Как говорил один из европейских специалистов в области IT технологий Младен Маухер – «Необходимо сосредоточить усилия на построении системы, которая позволяла бы максимально разумно и умело осуществлять административное управление».

Международный опыт показывает, что современные информационные технологии предоставляют возможность крайне оперативного, практически мгновенного, и достоверного «из первых рук» донесения информации до миллионов граждан. В то же время эти технологии позволяют осуществлять взаимодействие граждан и органов государственной власти, реализовывать обратную связь, направленную на удовлетворение индивидуальных информационных потребностей населения страны в части получения необходимой информации и обеспечение потока индивидуальных сведений, направленных от гражданина к институтам государственной власти. Данные возможности несут в себе огромный потенциал непосредственного общения, они позволяют эффективно формировать новый облик Узбекистана как полноправного члена мирового «Глобального информационного общества». Зарождающееся информационное общество в республике потребовало тщательного пересмотра многих действующих законодательных актов, принятия таких Законов Республики Узбекистан, как Закон «Об информатизации», «Об электронной цифровой подписи», что одновременно вызвало необходимость в пересмотре некоторых действующих законодательных актов, таких, как Закон РУз «Об архивах», Закон РУз «О принципах и гарантиях свободы информации», Закон РУз «О ответственности в Республике Узбекистан», Закон «О гарантиях и свободе доступа к информации».

Реализация Закона «Об электронной цифровой подписи» позволит свести к минимуму бумажные технологии и сделать деятельность правительства более прозрачной для общества. Кроме того, для создания подобных идеальных электронных отношений общества с органами власти необходимо, чтобы доступ к Интернету имели по крайней мере больше половины граждан республики. Сеть Интернета в Республике Узбекистан оказывает заметное влияние на экономику, помогая предприятиям промышленности и сферы услуг

снижать затраты, по-новому строить взаимоотношения с партнерами, выходить на новые рынки сбыта и создавать дополнительные источники дохода.

На сегодняшний день уже никого не удивляют электронная торговля, цифровая подпись, цифровые фото и видеокамеры, электронный банкинг, электронные игры и т.д. Оцифровывается даже такой консервативный класс, как чиновничество, и даже государственное управление в виде электронного Правительства.

Во многих странах мира уже не один год активно развиваются программы электронного правительства. Например, в России есть специальная федеральная программа «Электронная Россия». Сегодня идеями электронного правительства охвачено большинство государств и стран мира, а также Республика Узбекистан. В связи с этим читателю наверняка будет интересно узнать, что же кроется под термином «E-government» и какие удобства несет такая система взаимодействия государства и человека.

Процесс оформления лицензий на оказание услуг в той или иной сфере порой выливается в бесполое хождение по кабинетам, «отфутболивание» от одного чиновника к другому (который, как назло, находится в отпуске), представление целой кипы сопутствующих документов и другое. А теперь попытайтесь представить себе, что вам необходимо оформить свидетельство о рождении ребенка или получить документы на купленное жилье, зарегистрировать новое предприятие, уплатить пошлину и тому подобное. Для этого утром или в любое время дня вы садитесь за домашний компьютер и заходите в Интернет на единый портал государственной власти, содержащий ссылки на все существующие министерства и ведомства. Далее – заполняете предлагаемое заявление, ставите на нем электронную подпись и отправляете. К середине дня оно уже рассмотрено соответствующими государственными органами власти и управления и в ваш почтовый ящик приходит ответ, который и является официальным документом. Все! Вы не обижаете пороги десятка кабинетов, не ругаетесь в очереди ко второму помощнику третьего заместителя начальника отдела по общим вопросам... Вы их вообще не видите! Вы думаете, это нереально? Реально, в некоторых странах этот процесс уже реализован и функционирует под названием «E-government» (Электронное правительство).

Электронное правительство большинством наших сограждан пока воспринимается неоднозначно. Хотя сама идея его создания далеко не нова. Наверное, более правильным (и понятным) переводом английского E-government является «электронное управление государством», то есть использование в органах государственного управления современных технологий, в том числе и Интернета. Другими словами – это система интерактивного взаимодействия

правительства между собой (межведомственные отношения, G2G), с бизнес-структурами (G2B) и с гражданами (G2C) при помощи Сети. При этом под термином «правительство» подразумевается все – от Кабинета Министров до органов государственной власти на местах.

В настоящее время в республике функционирует Портал государственной власти «gov.uz», являющийся одним из ключевых элементов электронного правительства.

Портал государственных информаци-

онных ресурсов является системообразующим элементом инфраструктуры электронного взаимодействия органов государственной власти и управления, поддерживающим процессы и процедуры функциональной деятельности органов государственной власти.

Основными целями Портала являются расширение объема информационных ресурсов и услуг, предоставляемых гражданам и хозяйствующим органам власти и управления, а также формирование механизма общественного контроля за их деятельностью. Кроме того, сайт направлен на «интенсификацию межгосударственного обмена информацией», а также «создание условий для повышения международного авторитета Республики Узбекистан и привлечения инвестиций в национальную экономику».

Органы государственной власти и управления смогут повысить эффективность деятельности за счет роста уровня оперативности в распространении информации, общей информированности, а также обеспечить эффективное взаимодействие работников государственных органов и иных организаций при использовании информационных, организационных и технологических возможностей Портала.

Реализация «электронного правительства» позволит решить ряд стратегических задач административной реформы в Узбекистане, решение которых приведут к:

- повышению уровня компетентности и ответственности органов власти на местах;
- сокращению вмешательства органов государственного управления в деятельность хозяйствующих субъектов;
- обеспечению прозрачности функционирования административной системы на всех ее уровнях.

Население и хозяйствующие субъекты смогут получить доступ к информации о деятельности Правительства Республики Узбекистан, отражающей официальную позицию органов государственной власти и управления, о правах и обязанностях граждан, о возможностях и процедурах взаимодействия с соответствующими учреждениями.

А для государства в целом это будет выражаться в создании специализированной информационной системы, предназначенной для расширения объема информационных ресурсов и услуг, предоставляемых гражданам и хозяйствующим субъектам органами власти и управления, в формировании механизма общественного контроля за их деятельностью, интенсификации межгосударственного обмена информацией и создании условий для повышения международного авторитета Республики Узбекистан.

**Фахриддин КУВАТОВ,**  
слушатель Академии  
государственного и общественного  
строительства при Президенте  
Республики Узбекистан

## ЭТО ИНТЕРЕСНО

### СВЕТ В НОЧИ

Как известно, активность любого уважающего себя компьютерщика начинается ближе к темному времени суток. Специально для любителей ночных посиделок за компьютером (традиционное освещение они обычно игнорируют, предпочитая неверный свет монитора) японские умельцы из компании Sauvage подготовили специальную клавиатуру с подсветкой.

Новинка получила сложновывараиваемое название СК-104LW-PSU и специальную кнопку, которая позволяет включать (и соответственно, выключать) LED подсветку клавиш.

Работает клавиатура через порт USB и поставляется в двух цветовых вариантах – белом и черном.

### МЫСЛИ В КАЧЕСТВЕ ПАРОЛЕЙ

Канадские учёные из Карлтонского университета в Оттаве разрабатывают биометрическую систему идентификации личности, основанную на анализе мыслей.

Суть проекта, как сообщает Wired News, сводится к регистрации так называемых мозговых волн. Такие волны индивидуальны для каждого человека и поэтому могут однозначно идентифицировать пользователя. Чтобы зарегистрироваться в системе человеку будет достаточно представить любимую картину, мысленно напеть фрагмент той или иной песни или же проговорить про себя определенную последовательность цифр. Иными словами, в качестве пароля может использоваться мысль.

Интернетда бирор маълумотни олиб ўқиш учун "Адрес" сатрига зарур саҳифа манзилни киритамиз. Масалан, "Адрес" сатрига [www.mail.ru](http://www.mail.ru) манзилни киритамиз, натижада шу саҳифа қўйирилади. Саҳифа очилгандан кейин пастдаги сатрда "Готово" ёзуви пайдо бўлади. Зарур бўлган маълумотларни танлаб, ўқишимиз мумкин. Саҳифада гиперматн тагига чизилган ва ранги ҳам асосий матндан фарқли - асосан кўк рангда бўлади. Гиперматнни ўқиш учун унга «сичқонча»нинг чап тугмачасини 1 марта босиш етарли. Шундай қилиб дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан Интернетдаги маълумотларни экранимизда ўқиб оламиз.

Дастур ишини тўхтатиш учун дастурдаги тугмачасини босиш керак.

### Интернетда маълумотлардан нухса олиш

Баъзан Интернетдаги бизга зарур бўлган маълумотларни доимий хотирага кўчириш керак бўлади. Буни "Файл" менюсининг "Сохранить как..." буйруғи орқали бажариш мумкин.

### Электрон почта хизматидан фойдаланиш

Интернет электрон почта хизматини кўрсатади. Электрон почта махсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида сиз дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга хат, ҳужжат ва умуман ихтиёрий файлни жўнатишингиз ва қабул қилиб олишингиз мумкин. Энг асосийси, хат бир зумда манзилга етиб боради. Лекин ундан фойдаланиш учун сиз махсус почта тармоғи ёки Интернет тармоғига боғланган ва электрон манзилга эга бўлишингиз керак. Электрон манзилни провайдер тақдим қилади ёки Интернетда бепул электрон почта хизматлари ҳам мавжуд. Улар ёрдамида ўзингизга электрон манзил очишингиз мумкин.

Интернет тармоғида куйидаги веб-сайтлар бор: - [www.hotmail.com](http://www.hotmail.com), [www.yahoo.com](http://www.yahoo.com), [www.mail.ru](http://www.mail.ru), [www.yandex.ru](http://www.yandex.ru), [www.rambler.ru](http://www.rambler.ru) ва ҳоказолар. Ўзбекистонда - [www.esesam.com](http://www.esesam.com), [www.mail.uz](http://www.mail.uz). Бу саҳифаларга кириб, анкета саволларига жавоб бериб, ўзингизга электрон манзил очишингиз мумкин.

Электрон манзил одатда e-mail дёб кўрсатилади. Электрон почта юборганда сиз худди хатни юборётган-

дай, унинг кимга, қаргга ва кимданлигини ёзишингиз шарт. Сиз хатни бир неча манзилларга юборишингиз мумкин. Электрон хатни юборганингиздан сўнг, у электрон почта қутисига тушади, кейин эса хат кўрсатилган манзил почта қутисига етказилади ва ундан хат эгаси хатни олади. Яъни, хар бир фойдаланувчи ўзининг почта қутисига эга. Умумий почта қутисидан хат шахсий қутичаларга мунтазам равишда жўнатилиб турилади.

### Электрон почта куйидаги шаклда бўлади:

<Электрон манзил муаллифи исми> <ташқилот, провайдер номи> <давлат номи>

Мисол тариқасида куйидаги электрон манзил таҳлилини келтирамиз:

- [yoshlarmarkazi@youthcenter.freenet.uz](mailto:yoshlarmarkazi@youthcenter.freenet.uz) - манзил эгаси исми - ташқилот номи;
- [youthcenter](mailto:yoshlarmarkazi@youthcenter.freenet.uz) - ташқилот номи;
- [freenet](mailto:yoshlarmarkazi@youthcenter.freenet.uz) - Интернет провайдер номи;
- [uz](mailto:yoshlarmarkazi@youthcenter.freenet.uz) - давлат;
- [@](mailto:yoshlarmarkazi@youthcenter.freenet.uz) - электрон манзилнинг махсус белгиси.

Электрон манзилни тўлиқ ёзишга ҳаракат қилинг. Манзил эгаси ва ташқилот номи кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Электрон манзиллар турларига мисол сифатида куйидаларни келтирамиз:

<a href="mailto:nodir@freenet.uz">nodir@freenet.uz</a>	Шахсий электрон манзил
<a href="mailto:aziz_rf@usa.net">aziz_rf@usa.net</a>	Шахсий электрон манзил
<a href="mailto:Webmaster@youthcenter.uz">Webmaster@youthcenter.uz</a>	Интернет саҳифа яратувчиси электрон манзил
<a href="mailto:Sarkon@fcom@sarkor.uz">Sarkon@fcom@sarkor.uz</a>	Ташқилот электрон манзил
<a href="mailto:Asokafedra@fmu.uz">Asokafedra@fmu.uz</a>	Ўқув кафедраси электрон манзил
<a href="mailto:Komp_tech@vni.uz">Komp_tech@vni.uz</a>	Факултат электрон манзил
<a href="mailto:hotir_oljov@vni.uz">hotir_oljov@vni.uz</a>	Ўзбекистон миқдлий университети талабасининг электрон манзил

Масалан: [www.mail.ru](http://www.mail.ru) сайтида E-mail яратамиз, хат юборамиз ва уни қабул қиламиз.

Хатни юбориш, қабул қилиш учун, авваламбор уни қайд (регистрация) қилиш керак.

(Давоми бор.)

Азизбек НЕЪМАТУЛЛАЕВ,  
"Эффект-молия" ўқув маркази  
бош мутахассиси

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

**Уйингга келадиган хар қандай меҳмон остонага биринчи қадам босгандаёқ озодалиқдан баҳра ола бошласа — қандай яхши! Берадиган ош-нонингдан кўра, турмуш маданиятинг, уй тутишинг, саранжом-сарийшталаринг минг чандон қимматлидир. Зеро инсоннинг диди, фаҳму фаросати, қолаверса, гўзалликка бўлган муносабати атрофдагиларга хуш кайфият бағишлайди.**

## «Андижон Телеком»нинг ораста фаррошлари

Фаррошлик касбини азиз билди, бутун бир ишонганим чиройи, орасталиги ва чиннидек ялтираб турадиган озодалигини таъминлаб келадиган ўнлаб опсингилларимиз "Андижон Телеком" филиали жамоасининг фаҳрига айланганлар. Махбубахон опа Райзбоева, Санобархон Маматалиева, Мавлудахон Уринбоева, Муножотхон Авлиевалар жамоада ўз обрў-эътиборига эга. Узим қишлоқдан қатнаб ишлаганим учун идорада барвақтроқ келишга одатланиб қолганман. Қаватма-қават кўтарилиб борар эканман, фаррош опаларимнинг тонг сахарда келиб, аллақачон ишларни саранжомлаб қўйганига шохид бўламан. Катта бир бино хоналари,

йўлаклари-ю, зинапоёлари ювиб-тозаланганини кўриб, кайфиятим бирдан кўтарилиб кетди. Яна илиқ сўзлар билан қарши олишлари-ю, алқашлари-чи! Эрталабдан руҳингиз тетик бўлиб, иш бошласангиз, кечгача ишингиз унумли бўлади. — Ишга эрта келган яхшида, — дейди Санобархон опа Маматалиева. — Бу идорада жуда кўпчилик шундай қилади. Бу ҳам меҳнатсеварликдан. Сира ҳам бўлишмасин... Опа одамлар орасида бўлишни истайди, меҳнат билан ўзини овутиди. Уч нафар фарзандини бошқалардан кам қилмай ўстиряпти. Унга ажратилган жой — кўпроқ одамлар гавжум бўладиган хоналар ҳисобланади.

Тажрибали фаррош ўзига ажратилган худуднинг эрта-кеч тозаланган бўлиши ва ораста туриши учун сидқидилдан ҳаракат қилади. Агар одам чин дилдан меҳнат қилса, кўпчиликнинг кўнглидан жой оладиган иш қиларкан.

Унинг ҳамкасби Мавлудахон Уринбоеванинг ҳам диди чакки эмас. Ўз ишга талабчан, меҳнатсевар. Саҳарлаб келиб, ишини бажариб кетаверилса ҳам бўлади-ю, лекин ишга бўлган масъулиятлари туфайли алламоҳалгача у ёқ-бу ёқни артиб-тозалаб юришдан булар сира эринишмайди. Ходимларнинг кайфиятига кайфият қўшиб, унумли ишларларига сабабчи бўлаётганликлари ҳаммани қувонтиради.

— Дунёда касбнинг яхши-ёмони йўқ, — дейди "Андижон Телеком" филиали маркетинг бўлими бошлиғи Юлдузхон Эгамбердиева. — Ҳамма иш ҳам меҳр-муҳаббат билан адо этилгандагина яхши натижа беради. Махбубахон опа, Санобархон, Мавлудахон, Муножотхон ва яна бошқа фаррошларимизга минг раҳмат! Улар ўз меҳнатлари билан жамоамизда кадр-қиммат топишяпти. Жамоамиз олдидаги хизматлари учун уларни бошда кўтариб юрсак арзийди!

Бу гапларга яна нималарни ҳам қўшиш мумкин? Истагимиз — бундай ҳурмат-эътибор, эъозу эътироф опа-сингилларимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Маҳмуджон ИБОВ  
Андижон вилояти

## YODNOMA

### Тилло бобо тилло эди...



**Ҳаётда хунар ва касблар кўп. Хабарчилик касбининг этагини тутаман деган киши виждони тоза, фикри теран, ўта зийрак, сергайрат ҳамда ширинсўз бўлиши керак. Инсондан ҳар тарафлама фаолликни талаб қилганлиги учун ҳам бу касбни кўплар эглай олишмайди.**

Самарқанд вилоятининг, Пастдарғом тумани, Чархин кўрғонидан туғилиб вояга етган Тилло Боботов армияда 1946-1948 йилларда йиғиллик бурчини ўтаб қайтди. Кейин ўзи яшаётган хўжаликда икки йил меҳнат қилди. Унинг изланувчанлиги, меҳнаткаш ва софдиллигини билган туман почта алоқаси корхонаси раҳбарлари уни Чархин алоқа бўлимига хабарчиликка ишга тақлиф қилишди.

Бу ерда Т.Боботов 1992 йил — нафақага чиққунча ишлади. Ўз меҳнат фаолиятида хизмат худуди аҳлининг ишончини, меҳрини қозониб, катта кичикнинг эътиборига тушиб, тўю маъракаларда унинг ўрни — давранинг тўри бўлиб қолди. Бир соҳада 40 йилдан зиёд ишлаган матонатли инсоннинг меҳнатлари зое кетмади. Тилло бобо туман ҳокимлиги, почта корхонасининг "Фаҳрий ёрлиғи" ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. У 1994 йили "Шухрат" медалига сазовор бўлди. Ўғли Муҳаммади Боботов ҳам ота йўлидан бориб, почта соҳасида ишламоқда.

Етти ўғил, бир қизнинг отаси, ўттиз нафардан зиёд наварачеваранинг бобоси, почта соҳаси жонқуяри Тилло Боботов шу йилнинг 23 май куни кулгуг 80 ёшда оламдан ўтди...

Софдил ва меҳнаткаш почта ходими Тилло бобонинг ёрқин хотираси самарқандлик почта ходимлари қалбидан абадий яшайди.

Зубайдулло ИБРАГИМОВ,  
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
Самарқанд филиали бўлим бошлиғи

**SARGUZASHT-DETEKTIV**

Бу можарони мен эмас, Тони ўйлаб топди. Кинодан эндигина чиқиб турган эдик. Тони, мен ва яқинда танишган қизим Жейн — учовимиз. Охириги тийин-тийинларимизни харжлаб, кинога чипта олгандик. Чиққанамизда тун ярмидан оққан эди. Энди кетишимизга пул керак, бунақа пайтада пулни қаердан топасан,

# МҲА ВАСВАСАСИ ҚУРБОНЧИ



Эдвард ПЕРРИ (АҚШ)

кимдан оласан? Ўйлаб турадиган вақт эмас, нимадир қилиш керак. Худди шу пайтада кинотеатр олдида ўша нусха кўзга чалиниб қолди.

У кинотеатрдан чиқиб келадиган ёш-ёш қизларга суқ билан ламаман деб турарди. Лекин унинг чўнтакларни пулга тўла эди, ўлай агар. Эгнидаги қимматбахо спорт пиджаги, кўйлак энгидаги олтин тугмачалар унинг пулдор жазманлардан эканлигини айтиб турарди!

Ёнидан ўтиб бораётган дўндиқчаларга чўчаниқидай қисқ қўзларини катта очиб қараганида, тўладан келган думалоқ юзлари баттар ёйилиб кетар, ёш-ёш қизларга еб қўйгудек бўлиб тикилар, илтифот учун гап отиб қўяр эди. Мен унинг устки лаблари терлаб кетаётганини ҳам кўрдим, бу кишим бўлса дастрўмоли билан лабию пешонасини, бурнию юзқўзини лаҳза сайин артгани-артган эди. Шу орада у бир неча қизга гап отишга улгурди. Худди сўзкин кўриб думини ликиллаётган итдай энкайиб, таъзим қилган, хурмат билдирган бўлди.

Унинг ёнидан биз учовимиз ўтиб бораётганимизда-ку, ёнимдаги иччамгина, сохибжамол Жейнини кўриб, оғзининг танаби қочиб илжайди-да, хўл бўлиб кетган рўмолчаси билан башарасини чунонам ишқаладик, қўяверасиз. Хаво ўзи унчалик дим эмасди, аммо бу нусхага кўзим тугшандаёқ юрагим "шиг-г" этиб кетгандай бўлди, терлаб кетдим. Жейн ўша кунни гудлай очилган, кўрган одамнинг кўзини қувонтирадиган даражада гўзал эди. Ўям япироқ оқ юбкани ўзига қўйиб қўйгандек ярашган, хуллас, ёшгина қиз сириб тикилган кийимда янада кўрк очиб, ҳаммани эътиборини ўзига жалб этарди.

Биз кинотеатрдан сал нарига — мулошига ўтиб олдик-да, тўхтаб, кетаётганларни кузата бошладик. Тони чўнтагидан сургарета олиб, тутатди. Сўнг тутун бурқситиб, ҳалиги семиз нусхани кўрсатди:

— Ановини бир силкиб кўрмаймизми?

Бу гап менга сира ёқмади, қаршилигимни дарров билдирдим: нима даяпсан, аҳмоқ, ёнимда қизим бор-а!

— Қаллангни ишлатсан-чи, йигит! — деди Тони. — Ақсаси кўп экани шундоққина кўриниб турибди. Енгидаги тугмачасининг ўзи қанча туршишни биласанми? Олтиндан-а!

— Қўйсанг-чи, менга сира ёқмапти шу иш. Узиям сал... меровага ўхшайдимми-ей.

— Саргузашт излаб чиққанда! Кўриб турибсан-ку ёшроққина, чиройли қиз учраса, олиб кетмоқчи. Бир силкиб кўриш керак! Армон бўлиб қолмасин!

— Бас қилсанг-чи, Тони, бошимизга бало орттирмайлик, кетамиз!

Шу билан уй-уйимизга пиёдалаб йўл тортсақ бўлаверарди, аммо Тони энди назарини Жейнга тикди.

— Сен нима дейсан, қизалоқ? Анови амақини бир бошлаб шилмайимизми?

— Билмасам... — секин жавоб берди Жейн. — Турки курсин, боя менга бир илжайган эди, тиззам қалтираб кетди...

— Жўралар, ҳеч пиёда юргим келмаяпти-да, — деди Тони сигаретани охириги марта тортиб, қолдигини чертиб юборар экан. — Ҳозир кўчалар бўшаб қолади. Бу одамнинг эса чўнтаги тўла пул. Бизлар эса учовимиз. Бир кўрқитиб кўрайлик, бўлса-бўлди, бўлмаса — кетаверамиз. Хўш, қувватлайсизларми?

— Эплаёлмаймиз-ов, Тони... — Қанақасан ўзи? Ёнингдаги шундай офатижон қизни уйига пиёда элтиб қўймоқчимисан? Суф-е! Бўлмаса, сен шу ерда тура тур, кўрқоқ! Бизлар Жейн икковимиз-оқ...

— Майли, сен айтганча бўлақолсин, — дедим ичим гимираб. Жейнга қараб-қараб қўйдим. Бечора Жейн ҳозирда-ноқ юзи оқара бошлаган, у менинг "кетдик уйга" дейишимни кутиб турар, аммо манови Тонининг айтган гапларини кўрмайсизми, гўё мен кўрқоқ эмишман-у, қизимни пиёда юришга мажбур қилаётганмишман. Ўзи Жейн билан яқинда танишганман, ҳали бир-биримизни яхши билмаймиз ҳам. Унинг ёнида Тонининг айтган гапларига чидаб туролмадим, Жейн бўлмаганда-ку... Қиз ҳозир менинг бир оғиз гапимга зор, "уйга кетдик" десам — кетаверадиган, "анави нусханинг патини юламиз" десам — унга ҳам тайёрдай. Ҳозир Тонини сўкиб-сўкиб ҳайдаб юборишим керак эди-ю, бироқ эртага у менинг кўрқоқлик қилганими уртқоларга ёйиб чиқади, шуниси ёмон.

— Эплай олишимизга кўзинг етадимми, Тони? — дедим мен шахд билан. — Бошга бало орттирмаймизми?

— Мутлақо, қария, мутлақо!

Нима, биринчи маротаба овга чиқишимми?

Мен энди Жейнга қарамадим, лекин унинг туфук ютиб юборганини ашитдим. У кўлини узатди-ю, билагимдан тутиб олди.

— Сен ҳам қатнашсанми, Жейн? — дедим дўлдилланиб. — Иштиёр сенда, Жек, — деди у менга тикилиб. — Нима қил десанг... Мен бажаришга тайёрман.

— Иш дегани бундоқ бўпти-да, дўстларим! — Тони қўлларини ишқалади. — Қани бўлмасам, бошладик унда.

— Сен айтганча бўлади, Тони, қани, вазифаларни тушунтир!

— Хўп, бундай қиламиз. Жейн, сен ҳозир бақалоқнинг ёнидан қиланглаб ўтасан. Гап отса, нозланасан, сен ҳам гап қўшасан, хуллас, дарров илақилиб син. Сўнг уни йўлнинг нариги томонидаги хўв анови қоронғиликка бошлайсан. Шу ёққа ўтказиб берсанг бўлди — қолган ишни ўзимиз бошлаймиз. Дарров изларингдан етиб бориб, чўнтагидан бор-йўқ пулни қоқиб оламиз. Сен уни биз айтган жойгача эргаштириб боролсанг бўлди... Сўнг оёқни қўлга олиб қочамиз, тушунарлими? Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай бўлади, кўрқманглар!

Тонининг сўнгиги гапи яна менга тегиб кетди. Кўрқайганимни билдирмаслик учун мен ҳам сигарет тутатдим. Нима бўлгандаям қалтираётганимни сезиб қолишмасин деб, тутунни ичимга тортидим, йўталигимга шу тутун сабабчидай кўринсин, дедим.

— Тушунарлими? — Тони деди.

— Тушунарли, — мулоийгина жавоб берди Жейн. — Лекин сизлар мени ташлаб кетмайсизлар-а?..

— Ёнингдасиз, қизалоқ! Бизни биргамиз деб ишонавер. Айтдим-ку, анови қоронғиликка ўтиб олсанглар бўлди — биз дарров етиб борамиз.

*(Давоми келгуси сонда.)*

Таржимон Музаффар АҲМАД

**AJAB SIRLAR!**

**Табиат билимдони Чарлз Дарвин умрининг охирида ўзининг шеърингга, мусиқага бўлган иштиёқининг камайгани хусусида ўқиниб, "Агар умримни қайтадан бошлаш насиб қилганда, ҳар ҳафтада лоқақал бир марта бир оз шеър ўқиш, бир оз мусиқа тинглашни қоида қилиб, шу йўл билан миям хужайраларининг фаол ҳолатини сақлаб қолган бўлар эдим", деб ёзган эди.**

## Мусиқа — дил қувончи

Ҳақиқатан кишининг ҳис-туйғулари ҳам маълум тарбияга, махсус парваришга, мунтазам қилинадиган машқларга муҳтож. Инсон ҳаётида айниқса мусиқанинг аҳамияти катта. Мусиқа таъсирида киши гоёта нозик ва теран ҳиссиётларни, ўткир эҳтиросларни бошдан кечиради. Инсоният қадимдан мусиқанинг турли туйғуларни кўзга таш хусусиятларидан фойдаланиб келган. Масалан, ҳал қилувчи жанрлар олдида мусиқа руҳни кўтарган, жасоратга шайлаган. Ҳозирги кунда ҳам Африканинг баъзи қабилаларида мусиқа ёрдамида овчилар шундай матонат касб эдиларки, шерлар билан тик олишиб, уларни энгиб чиқадилар, жароҳатланганда эса ҳатто оғриқни сезмайдилар.

XVIII аср мусиқасида роҳат, ором бағишлайдиган оҳанглар устунлик қилган бўлса, XIX асрга келиб мусиқада кўтаринки романтик ҳаёлотга, сирли, гўсали ҳисларга чорловчи оҳанглар кучайди. XX аср мусиқасида эса фалокатларни башорат қилувчи, кўнғилларга гўлу солувчи, инсониятнинг ғам-алам ва армонларини акс эттирувчи оҳанглар жаранглай бошлади.

Мусиқа дори-дармон ўрнини бемалол босиши мумкин. Шу мақсадларда шифокорлар мумтоз (классик) мусиқани тавсия қиладилар. Аниқланишича, Бетховеннинг 5-симфонияси юрак фаолиятига хуш таъсир қилади, "Ой соната"си эса безовта асабларни тинчлантиради. Бахнинг "Италия концерти" куйини тинглаган одамнинг қаҳру ғазаби дарров босилади, Шопеннинг "Мазурка" куйлари ва Штрауснинг вальс оҳанглари кишидаги хавотирли туйғуларни арилатади. Чайковскийнинг "Оққуш кўли" одаларда кўтарилган қон босимини туширади. Шопеннинг "Ре-минор ноктюрни" асарини ҳам қон босими ошиб кетганда наф қилад.

Брукнернинг "Тўққизинчи симфонияси" юрак-томир аъзоларига худди шовқин сингари таъсир қўрилади, минутага айланган қон ҳажмининг кескин камайтиради. Бахнинг "Учинчи Бранденбург адажио ва аллегро қисмла-аксинча — бу кўрсаткичи-ди, томир зарбларини ка-ди, Шунисиям борки, фониқ мусиқани лаётган х а м мумкин.

Жиддий симфоник мусиқани лаётган х а м мумкин. Шинавада кишилар биринчи бор тинг-киши бундан кўп хузур қилмаслиги, шунмаслиги ҳам даи мусиқанинг таъми такор-такор тинглашга ла борар экан.

Классик мусиқа ҳатто сигирларга ҳам хуш ёқиши фанда исботланган. Уларга айниқса Бах асарлари манзур бўлар экан. Тажриба ўтказилганда симфоник мусиқа сигир сутини 5-10 фоизга кўпайтиргани, замонавий суронли оҳанглар эса аксинча — сутни камайтириб юборгани аниқланган.

Буни қарангки, ўсимликлар ҳам мусиқага бефарқ эмас экан! Ажабланирли хол, шундай эмасми? Мусиқанинг бу хусусиятларидан одамлар аллақачонлардан бери фойдаланиб келадилар. Канадалик мутахассислар хулласига қараганда, Бах сонаталари ўсимликлар ҳосилдорлигини 66 фоизга кўтара олади. Америкалик бир миришкор эса мусиқа эшиттириб, фавқулудда пишиқ ва бақувват, гоёта ёрқин рангли гулларни етиштирган, унинг ҳар түп атиргули 65тагача гўнчалаган!

Ошқовоқ — эркаклар хонишини, сули — аёллар овозларини хуш кўриши, зигирининг эса най нозларига мойиллиги кузатилади. Гершвин мусиқаси макканинг ўсишини тезлатибгина қолмай, донининг вазнини 42 фоизгача кўтаради. Мусиқа остида ривожланган помидор кўчати 4,5 метргача авж олган ва 835 дона мева бергани, ҳар дона "меломан" картошқанинг узунлиги 15 сантиметргача, вазни 400 граммгача етгани фанда маълум.

Буюк олим Лейбниц ўзининг математик тафаккури билан мусиқани "дил қувончи" деб баҳолаган эди. Чиндан ҳам вақт, давлат чегараларидан ҳатлаб ўтиб, жаҳон дурдоналари хазинасидан ўрин олган мусиқий асарлар жозибасининг сирини — уларнинг ҳиссий таъсири қудратидир. Муқаммал асбобларда, юксак баддий савияда ихро этилган жиддий, чуқур туйғули мусиқа кишининг руҳиятини бойитишга, унинг хатти-ҳаракатларига таъсир қўрсатишга қодир. Мусиқа ёрдамида одамларнинг маънавий олами исталган йўналишда шакллантирилиши, шахсиятларининг янги, номаълум қирралари кашф этилиши мумкин.

Музаффар ТОЖИЕВ тайёрлади



## HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

# “DOKTOR-SERVIS”: ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ТАЖРИБА МАЙДОНИ ЭМАС, УНИ ЎЗ ИШИНING УСТАЛАРИГА ИШОНИБ ТОПШИРИШ ЛОЗИМ

Инсон саломатлиги муҳим масала. Уни таъминлаш масъулияти нафақат давлат шифохоналари, балки хусусий поликлиникалар зиммасига ҳам тушади. Бироқ инсон саломатлиги тажриба майдони эмас, уни фақат ўз ишининг усталарига ишониб топшириш лозим. Ушбу ҳаёт қоидасини шиор қилиб олган “DOKTOR-SERVIS” поликлиникаси жамоаси беморларни жаҳон талаблари даражасидаги, ҳаёт синовларидан ўтган усуллар бўйича даволаб келмоқда. Биз ушбу саломатлик масканида бўлиб, олий тоифали шифокор, кардиолог Павел ПАВЛИЙ билан суҳбатда бўлдик.


— Павел Николаевич, сўнгги пайтларда аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари, гипертония кўп учрамоқда, бунинг сабаблари нимада?

— Гипертония касаллигини замонавий эпидемия десам, хато қилмайман. Ривожланиш, тараққиёт олга интилгани сари, шахрларнинг йириклашиши натижасида кейинги пайтларда гипертония касаллиги ҳам аҳоли орасида кўпроқ учрамоқда. Нега? Эрталабдан ишга отланамиз, бекатда транспорт кутиб туриб, ишга кечикишдан ҳадиксираймиз, хунобимиз ошади ва бу юрак-томир уришига салбий таъсир кўрсатади. Транспортнинг шовқин-суронида ҳам шу хол яна такрорланади. Ишда учраб турадиган баъзи-бир асаббўзарликлар ҳам юрак-қон томирларини зўриқтиради. Иш тартибимизнинг меъърий ҳолатда эмаслиги, яъни кун ўрталарида бир-икки соат хотиржам дам олиш имконининг йўқлиги гипертония касаллигининг ривожланишига сабаб бўлади. Хуллас, шу каби омиллар вақт ўтиши билан инсонларда қон босими ошишига олиб келади. Бундан юрак, мия, жигар ва бошқа органлар жиддий зарар кўради.

Юракнинг босим билан ишлаши натижасида унинг йириклашиши юз беради. Юрак мускулларининг катталаниши эса янада кўпроқ қон айланишини талаб этади. Бу гипертония ва юракнинг ишемик касалликлари келиб чиқишига замин яратяди.

Бундан ташқари бугунги яшаш тарзимиз ва овқатланиш тартибимиз бизнинг генетик имкониятларимизга мос келмайди. Агар ўтган аср бошларида ўрта ёшли киши учун кунига 3000 калориялик озиқ-овқат талаб этилган бўлса, ҳозир 1500 калория етарли. Сабаби — ўша давр одамлари кўпроқ жисмоний ҳаракатда бўлишган ва табиийки, кўпроқ қувват сарфлашган. Бироқ ҳозир ҳам биз ўша давр одамлари билан тенгма-тенг овқат истеъмол қиламиз, ammo жисмоний ҳаракатимиз кам. Натижада, вазн ошиши келиб чиқмоқда. Вазн ошиши эса яна ўша юрак касалликлари сабаб бўлади.

— Юрак-қон томир касалликлари бир-биридан нимаси



билан фарқ қилади? Уларни даволашда қандай омилларга эътибор қаратилади?

— Бу касалликлар бир-бири билан боғлиқ. Уларни тўғри даволаш учун аниқ ташхис қўйиш лозим. Бизда шунга алоҳида эътибор берилади. Ҳозир лабораториянинг замонавий усуллари мавжудлиги касалликларни профилактик йўл билан даволаш имконини бермоқда. Яъни, бизга ёш йигит келди, дейлик. Унинг қонини текширишимиз керак. Агар қон таркибида юрак-ишемик касалликлари, гипертония, қандли диабетни келтириб чиқарувчи омиллар мавжуд бўлмаса, биз у йигит билан кечираётган ҳаёт тарзи ҳақида, жисмоний тарбия билан шугулланадими-йўқми ёки ичадими-чекадими — шулар борасида суҳбат қиламиз. Суҳбатдан келиб чиқиб, унга маслаҳатлар берамиз. Агар қон таркибида бирор касаллик келтириб чиқарадиган омил топадиган бўлса, уни профилактик йўл билан даволаймиз.

— Бу қандай йўл? Унинг бошқа усуллардан қандай фарқи бор?

— Буни, аввало, текширув натижаларига қараб белгилаб оламиз. Барча юрак-қон томир касалликлари келиб чиқишининг олдини олишда ва даволашда энг самарали усуллардан бири бу — даволовчи жисмоний тарбия ҳисобланади. Кардиологияда аниқ қоида мавжуд: даволовчи жисмоний тарбия қон боси-

мини меъёрлаштиради, инсон фаоллигини оширади. Энг асосийси, турли хил асаб касалликларининг олдини олади.

Жисмоний тарбия фойдали бўлиши учун камида ҳафтада уч марта 40 дақиқадан шугулланиш зарур. Бу турли дори-дармонлар билан даволашни 10-15 йил ортга суради.

— Касалликларнинг келиб чиқишига биз истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар ҳам сабаб бўлиши мумкинми?

— Албатта. Кунлик тановул қилинадиган озиқ-овқатлар таркибидан имкони борича мол ёғини чиқариб ташлаш керак. Масалан, ҳаммамиз ошни яхши кўраемиз. Унга ёғли қўй гўшти етмаганидек, думба ёғини ҳам солаемиз. Кардиологик жиҳатдан бу зарарли ҳисобланади. Шунинг учун бундай ёллар ўрнига ўсимлик ёғларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозир нафақат катталар, балки аёллар, болалар ўртасида ҳам пиво ичиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Айтиш керакки, пиво таркибида юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқарувчи жуда ҳам зарарли моддалар мавжуд. Шунинг учун бу ичимликни ичишдан тийилиш лозим. Кечки ҳам юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқарувчи зарарли одатлардан ҳисобланади.

Озиқ-овқатларимиз таркибини сабзавотлар ва мевалар билан бойитишимиз керак. Масалан, помидорни олайлик. У қон таркибида холестерин моддасини камайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, саримсоқлиёз, олча, гилос, ўрик ва, айниқса, кейинги пайтларда эътиборимиздан четда қолиб кетаётган шотут жуда фойдалидир. Биз юрак ишемик касалликларига дучор бўлган беморларимизга шотутни пишиб, то тугагунга қадар дори ўрнига еб туришни тавсия қиламиз. Мева ва сабзавотлар яхши пишиб етилган ҳозирги ёз кунларида имкони борича кўпроқ шу махсулотларни истеъмол қилиш лозим.



## ПОЛИКЛИНИКАДА ҚЎЙИДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛАДИ:

1. КАРДИОЛОГ: Юрак-қон етишмаслиги касалликлари хавфини аниқлаш ва даволаш (миокард инфаркти, ишемик касаллиги, гипертония ва бошқалар);
2. РЕВМАТОЛОГ: ревматизм, бўғимлар шамоллаши касаллиги, подагра, бўғимларда туз йиғилиши;
3. ГИНЕКОЛОГ: ўтқир ва сурункали аёллар касалликларини даволаш (миома, киста, бепуштлиқ, эрозия ва бошқалар);
4. ТЕРАПЕВТ: ўтқир ва сурункали ички касалликларни даволаш (гастрит, ошқозон-ичак яраси, колит ва ҳоказо);
5. Барча ва умумий турдаги ЛАБОРАТОРИЯВИЙ АНИҚ ТАШХИСЛАР;
6. НЕВРОПАТОЛОГ: асаб касалликларини даволаш (энурез, инсулт, радикулит, невралия, энцефалит ва бошқалар);
7. УРОЛОГ: жинсий аъзолар инфекцияси, бепуштлиқ, простатит, цистит ҳамда буйрак шамоллаши касалликлари;
8. ЛОР: кулоқ, бурун, томоқ — ўтқир ва сурункали касалликларни даволаш (гайморит, отит, тонзиллит);
9. ЭНДОКРИНОЛОГ: қандли диабет, бўқоқ, ўсиш ва жинсий ривожланишнинг бузилиши ва бошқалар;
10. ПЕДИАТР: юқори малакали шифокорлар;
11. УЗИ: тасвирли ташхислаш;
12. ЭКГ-ДИАГНОСТИКА: умумий ва чуқурлаштирилган кардиологик текширувлар;



13. ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ: юқори малакали мутахассислар маслаҳати ва муолажалар, барча дори-дармонлар билан (реанимация, ЭКГ, етказиб келиш).

Оғир беморлар учун вилоятларга шифокорларни чақириш имконияти бор.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, “Халқлар дўстлиги” кўчаси, 2-уй. Мўлжал: Ҳамза метроси.  
Тел.: (99871)367-00-00, 120-77-31, 367-48-10.  
E-mail: doctor@sarkor.uz



SPORT

# ЖЧ-2006:

# БИРИНЧИ ТУР ОРТДА ҚОЛДИ



Ниҳоят тўрт йил орзиқиб қутилган дамлар етиб келди. Германияда ўтаётган Жаҳон чемпионатида сайёраимизнинг энг кучли 32 жамоаси голиблик учун ўзаро баҳсга киришди. Миллионлаб футбол мухлисларини ўзига қаратган ушбу йирик мусобақанинг биринчи тур ўйинларига яқун ясалди. Унда йирик сенсациялар қайд этилмаган бўлса-да, қутилмаган вазиятларга кўп бора гувоҳ бўлдик.

## “Немис машинаси” ишга тушди

Чемпионат баҳсларини Германия ва Коста-Рика терма жамоалари очиб беришди. Мутахассислар томонидан кўп бор танқид остига олинган Юрген Клинсман шогирдлари ажайиб ҳужумкор ўйин намойиш қилишиб, “Немис машинаси” голиблик сари отланганини кўрсатди. Албатта, ҳимояда йўл қўйилган хатолар мухлисларнинг Германияга бўлган ишончини биров пайсйтириши мумкин, ammo бу жамоа ҳар қандай вазиятда хатоларни ўнглаб олишга қодир. Ҳар ҳолда чемпионат Германияда ўтаётганини унутмаслик керак.

“А” гуруҳининг иккинчи учрашувида Эквадор терма жамоаси Полша билан баҳс олиб борди ва биринчи кичик сенсацияни қайд этди.

**Германия – Коста-Рика – 4:2**

**Голлар:** Лам, 6; Клозе, 17, 61; Фрингс, 87 – Ван-чепе, 12, 73.

**Полша – Эквадор – 0:2**

**Голлар:** Тенорио, 24; Делгадо 80.

“А” гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
ГЕРМАНИЯ	1	1	0	0	3
ЭКВАДОР	1	1	0	0	3
КОСТА-РИКА	1	0	0	1	0
ПОЛША	1	0	0	1	0

## Биргина гол

“В” гуруҳидаги ўйинларда дарвозага бор-йўғи битта гол киритилди: у ҳам бўлса автогол. ЖЧ-2006 голиблигига асосий даъвогар саналаётган Англия терма жамоаси автогол ҳисобига уч очко эгаси бўлди. Инглизларнинг ҳужум чизигида Учин Рунининг йўқлиги ўйин давомида яққол сезилиб турди.

Маҳоратли ўйинчиларига эга бўлган Швеция терма жамоаси гуруҳ аутсайдерли сифатида баҳоланаётган Тринидад ва Табагога мағлуб эта олмади. Ларссон, Ибрагимович ва Юнберглар канчалик ҳаракат қилишмасин, рақиб ҳимосини ёриб ўта олишмади.

**Англия – Парагвай – 1:0**

**Гол:** Гамарра, 3 (ўз дарвозасига).

**Швеция – Тринидад ва Табаго – 0:0**

“В” гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
АНГЛИЯ	1	1	0	0	3
ТРИНИДАД ВА ТАБАГО	1	0	1	0	1
ШВЕЦИЯ	1	0	1	0	1
ПАРАГВАЙ	1	0	0	1	0

## Ғалаба қозониш осон кечмади

Биринчи турнинг энг шиддатли учрашуви Аргентина ва Кот Д’Ивуар терма жамоалари ўртасида кечди. Учрашувида Жанубий Америка вакиллари ғалаба қозонишган бўлса-да, африкаликлар уларга муносиб қаршилик кўрсата олишди.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Сербия ва Черногория терма жамоасини бир ўйинчининг ўзи мағлубиятга уратди. Тенг курашлар остида ўтган баҳсда голландиялик ярим ҳимоячи – Роббеннинг фантастик ўйини барча масалани ҳал қилди.

**Аргентина – Кот Д’Ивуар – 2:1**

**Голлар:** Креспо, 24; Савиола, 38 – Дрогба, 82.

**Сербия ва Черногория – Голландия – 0:1**

**Гол:** Роббен, 18.

“С” гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
АРГЕНТИНА	1	1	0	0	3
ГОЛЛАНДИЯ	1	1	0	0	3
КОТ Д’ИВУАР	1	0	0	1	0
СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ	1	0	0	1	0

## Браво, Омар Браво!

Чемпионатда Осиё шарафини ҳимоя қилаётган жамоалардан биринчи бўлиб Эрон терма жамоаси майдонга тушди. Унинг рақиб Мексика терма жамоаси бўлди. Ўйин давомида тенг кураш олиб борган эронликлар сўнгги дақиқаларда ташаббусни кўлдан бой беришди. Қитъадошларимиз дарвозасига икки тўп киритган Омар Браво учрашув қаҳрамонига айланди.

Гуруҳ фаворити ҳисобланаётган Португалия терма жамоаси Ангола дарвозасини бир бор ишғол қилишга эришди, холос.

**Мексика – Эрон – 3:1**

**Голлар:** Браво, 28, 76; Зиня, 79 – Гулмуҳаммади, 36.

**Ангола – Португалия – 0:1**

**Гол:** Паулета, 4.

“D” гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
МЕКСИКА	1	1	0	0	3
ПОРТУГАЛИЯ	1	1	0	0	3
АНГОЛА	1	0	0	1	0
ЭРОН	1	0	0	1	0

## Ишончли ўйин

“Е” гуруҳидан ўрин олган Чехия терма жамоаси АҚШ жамоасига қарши жуда ҳам ишончли ўйин намойиш этди. Учрашувида тўлиқ устунликка эришган чехлар ҳисобини ҳам шунга мос равишда қайд этишди.

Кўпчиликнинг нигоҳидан биров четда қолган Италия терма жамоаси ҳам мусобақани ғалаба билан бошлади.

**АҚШ – Чехия – 0:3**

**Голлар:** Коллер, 5; Росицки, 36, 76.

**Италия – Гана – 2:0**

**Голлар:** Пирло, 40; Яквинта, 83.

“E” гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
ЧЕХИЯ	1	1	0	0	3
ИТАЛИЯ	1	1	0	0	3
ГАНА	1	0	0	1	0
АҚШ	1	0	0	1	0

## Гус Хиддинкнинг совғаси

Японияга қарши ўйиндан олдин Австралия терма жамоаси бош мураббийи Гус Хиддинк мухлисларга ажайиб совға тайёрлаб қўйганини айтган эди. Учрашуви кузатган мухлислар бу совға нима эканлигига ўйиннинг 84-дақиқасидан бошлаб гувоҳ бўла бошладилар. Шу дақиқага қадар ҳисоба олдинда келган японлар кейинги олти дақиқа ичида ўз дарвозаваридан учта тўп ўтказиб юборишди.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, “Андижон Телеком” филиали жамоалари филиалнинг фуқаро муҳофазаси мутахассиси **Жўраҳон МАМАЖОНОВ**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор қилади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли тумани почта алоқаси боғламаси жамоаси корхона ходими Гулнора Ембергеновага онаси

**Тоҳазон МАМБЕТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“H” гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
ИСПАНИЯ	1	1	0	0	3
САУДИЯ АРАБИСТОНИ	1	0	1	0	1
ТУНИС	1	0	1	0	1
УКРАИНА	1	0	0	1	0

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

854-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алаҳи: 8513 нуска.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.  
**Саҳифаловчи:** А. БҮРИЕВ.  
**Матн тереви:** Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди – 20.00. Босишга топширилган вақти – 20.00.

**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги  
**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ  
**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:** Илҳом АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Бахтиёр КУБЕЕВ Шомансур ОБИДУЖАЕВ Миродил САНГИЛОВ Рашидбек СУЛАЙМОНОВ Лutfило ТУРСУНОВ (масъул котиб) Асқаджон ХУҲАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Жамоатчи муҳаррирларимиз:	Андижонда	Бохорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
	46-47-80	226-22-14	40-12-19	226-26-96	222-56-30	226-61-85	222-14-63	34-06-71	224-06-12	133-36-48	226-43-13	226-87-71	23-04-89

# Мозий дурдоналари

**Аждодларимиз қолдирган тарихий мерос шундай битмас-туганмас чашмаки, дунёнинг гўзаллигини ҳис этишга ва унинг том маънодаги буюклигини, ранг-баранглигини тушунишга интилган ҳар бир киши бу чашмадан баҳра олади.**


**Мамлакатимиз** фуқароларининг маънавий даражаси ўсган сари ўтмиш маданиятининг дурдоналаридан баҳра олишга бўлган эҳтиёж ҳам шунчалик ортиб бормоқда. Ўзбекистон тарихи давлат музейида ана шундай бебаҳо меросимизнинг кўплаб ноён намуналари авайлаб сақланиб келинмоқда. Ушбу дурдоналарни илмий ўрганиш ва улардан миллий мафкурамизни юксалтиришда фойдаланиш давлатимиз олим бўлаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи бугунги кунда жуда бой тарихий манбаларга эга. Қушон ва Варақша маданияти ёдгорликлари, кейинги минг йилликдан то ҳозирги давргача бўлган меросимизни қамраб олувчи мисгарчилик, қулоччилик, заргарлик, уй жиҳозлари, гиламчилик, ёғоч ўймакорлиги ва амалий санъатнинг ноён, гўзал намуналари мавжуд. Бир сўз билан айтганда, музей захираларида миллий маданиятимизнинг 250 мингдан ортиқ дурдоналари сақланмоқда. Бундай улкан моддий, маънавий ёдгорликларни халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёш авлод онгида миллий гурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Республикаимиз Президентининг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида музейларда ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, мустақиллик қояларига мос миллий экспозициялар яратиш, музейшунослика умумийлиги сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш зарурлиги алоҳида уқтириб кўрсатилган. Ушбу фармондан келиб чиққан ҳолда, музейнинг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Нафиса Содикова раҳбарлигида музей фондида сақланаётган экспонатларнинг илмий каталогларини нашр қилиш йўлга қўйилди. Натижада қулоччилик ва темирчиликка оид буюмларнинг 2500таси асосида илмий каталог чоп этилди.

Ҳа, жаҳонга кўз-кўз қилса арзиғулик тарихимиз, дунё қадимшуносларини ҳайратга солувчи осори-атикаларимиз бор. Мустақилликнинг ўн беш йиллиги ва Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган "Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти тарихи" кўргазмаси бунинг ёрқин далили бўла олади.

X-XI асрлар — Хоразмнинг тикланиш, уйғониш даври. Бу — илм-фан соҳасида оламга донғи



кетган алломалар Абу Райхон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад (973-1048), Европада Авицена номи билан машҳур бўлган Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037)лар яшаган даврлар. Шох Абдул Аббос Маъмур ибн Маъмур саройида ўша замоннинг энг йирик олимлари тўплаган бўлиб, улар тарихда машҳур "Маъмур академияси"ни ташкил этган эдилар. Унда Беруний ва Ибн Синодан ташқари, мутаржим ва файласуф Абул Хайр Хаммор, шоир ва адабиётшунос Абу Мансур ас-Саолибий, файласуф Абу Саҳл ал-Масиҳий, мунажжим ва математик Абу Наср Мансур ибн Ироқ ва бошқалар фаолият кўрсатганлар. Хоразм Маъмур академияси тарихидан гувоҳлик берувчи экспонатлар ва фотосуратларнинг аксарияти, Хоразм заманидан топишган ноён ва ўта нодир топилмалар музей кўргазма залида намойиш этилмоқда.

Музейнинг "Ибтидоий давр ёдгорликлари тарихи" деб номланган бўлимида намойиш этилаётган Селенгур (Фарғона вилояти, Сўх тумани) горидан топишган, одамлар яшаган энг қадимий манзил қолдиқлари Ўзбекистонда одамзод тарихи юз минг йил эмас, балки 1 миллион 200 минг йилдан ҳам кўп эканлигини исботлади. Шунингдек, кўргазмада Кўлбулоқ (Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри) ёдгорлигидан топишган (650-700 минг йил аввал) тош қуроқлар, Мачай (Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани) горидан одамзоднинг бундан 8-9 минг йиллар аввал майда ва йирик ҳайвонларни қўлга ўргатганлигини исботловчи излар, 7 минг йил аввал ясалган сопол идишлари, 3,5-4 минг йил аввал шакланган шаҳар маданияти тарихига оид ашъвий ёдгорлиқлар, Самарқанд вилояти, Челак тумани Кўктепа ёдгорлигидан топишган зодагон оилага мансуб аёлнинг миллоддан аввал II-I асрларда дафн этилган жасади ва тилла тақинчоқлари, уй-рўзгор буюмлари, шунга ўхшаш, кейинги давр-

да археологик қазималар натижасида топишган тарихий ёдгорликлар Ўзбекистоннинг қадимий даврини янги маълумотлар билан бойитди. Бу — истиқлол йилларида юртимизда археология фани соҳасида қўлга киритилган ютуқларнинг нақадар салмоқли эканлигидан далолат беради.

Музейнинг тўртинчи қавати мустақиллик бўлимига ажратилган бўлиб, у учта мавзунини ўз ичига қамраб олади. Булар: "Ўзбекистон диёрида диний бағрикенглик" деб номланувчи биринчи мавзу — Ватанимиз кечмишидан маълум бўлган динлар, яъни зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби "Авесто"нинг 2700 йиллигига оид ёдгорликлар, буддизм, христианлик ва исломга доир мейморий ёдгорликлар, турли фотосуратлар, Қуръони каримнинг ноён нусхалари жой олган.

Иккинчи мавзу — буюк алломаларимизнинг араб алифбосида битилган асарларининг фотонусхалари, жумладан Ибн Синонинг "Ал-Қонун фит-тиб" асарининг XVI асрга оид қўлёзма нусхаси, Абдуразоқ Самарқандийнинг "Матлаъ-ус-саъдий" асарининг XV асрга кўчирилган нусхаси, Бурхониддин ал-Марғионийнинг "Хидоя" асари (XIV асрга кўчирилган) ўз ифодасини тошган.

Учинчи мавзу — Ўзбекистон тарихида танга пулларнинг тўтган ўрнига бағишланган бўлиб, кўргазмада миллоддан аввалги V-IV асрларда яратилиб, 250 йил давомида зарб қилинган олтин, кумуш ва мис тангалар, антик даврлардан то XX аср бошларигача муомалада юрган танга пуллардан намуналар кўйилган.

Тарих садо бериб турувчи маданият ўчоқларида касбига меҳр қўйган, мутахассислигини яхши эгаллаган кишиларнинг ишлаши бу маканлар қадр-қимматини оширади, албатта. Музейимизда бундай фидойи ходимларимиз кўпчилигини ташкил қилади. Мен бу ерда ўз касбига синчқон, ҳар бир жиҳозни ҳар кун кузатиб, меросимизга самимий меҳр ва эътибор билан қараган ходимларни назарда тутаяман. Музей экспозициясининг илмий ишлар бўйича мудири Салимжон Аъзамов, тангашунос олим Ирпоя Тўхтиев, кутубхона мудираси Матлуба Алимова каби илмий ходимларимиз иختисосларини пухта эгаллаган, ўз ишларида яхши малака орттиришган.

Кўргазма — республикаимиз фуқаролари, чет эл илмий жамоатчилиги ва, айниқса, бугунги кунда тарихимизнинг янги саҳифаларини varaқлаётган ёшларимизнинг онгида миллий ифтихор қояларини тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

**Аюбжон ҚОСИМОВ,**  
Ўзбекистон тарихи давлат музейининг илмий ходими

## FILATELISTLAR BURCHAGI

### 1999 йилда чиқарилган ПОЧТА МАРКАЛАРИ

**"Ўзбекистоннинг йиртқич қушлари" почта маркалари туркуми. 1999 йил 22 октябр. Рассом М.ГОИПОВА.**

Ўзбекистон фаунасида 39 турдаги йиртқич қушлар учрайди. Уларнинг кўпчилиги «Қизил китоб»га ҳамда «Қирлиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турлари билан савдо-сотиқ қилиш бўйича халқаро конвенция» иловасига киритилган. Почта маркаларида тасвирланган йиртқич қушлар ноён, энг эҳтиётланадиган турлар қаторига киради. Маркалардаги қушларнинг номи латин тилида берилган. Туркум еттига почта маркаси, битта почта блокдан иборат. Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Маркалар ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси тароқсимон. Варақдаги маркалар сони 50та. Адади 20,0 минг нусхадан.



216. "Falco tinnunculus".



220. "Falco cherrug".



217. "Circaetus gallicus".



221. "Gypaetus barbatus".



218. "Gyps fulvus".



222. "Pandion haliaetus".



219. "Aquila chrysaetos".



223. "Ўзбекистоннинг йиртқич қушлари" почта блоқи.

Блоқда йиртқич қуш ва унинг попоқлари тасвирланган. Блокнинг пасти қисмида ўзбек тилида "Ўзбекистоннинг йиртқич қушлари" деган матн берилган. Блок ўлчами 90x70 мм. Блоқдаги марка ўлчами 30x42 мм. Адади 10,0 минг нусха.

## Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиалининг Хўжайит почта алоқаси тармоғи жамоаси 5-алоқа бўлими хабарчиси Амет ҚУЧҚОРОВ ҳамда "Саричиқия" алоқа бўлими почтачиси Тилесен УРАЗИМБЕТОВларни таваллуд тошган қурали билан табриқлайди. Уларга оилавий хотиржамлик ва ишларида ривож тилайди.

"Фаргона Телеком" филиали Сўх телекоммуникациялар боғамаси жамоаси боғамаси электромонтёри Асҳадбек АНБАРЖОНОВни тугалган куни билан самимий қутлайди. Унга сўхат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали ва вилоят алоқа ходимлари билангина қасба уюмчаси кўмитаси жамоалари Ўрғут почта алоқаси тармоғи мутахассиси Сантор АЛИШЕКОВни 50 ёшига тулуши муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сўхат-саломатлик, ишларида ривож, оилавий хотиржамлик тилайди.